



THE INTRODUCTION OF ISLAM INTO THE TERRITORY OF UZBEKISTAN AND ITS POLITICAL-LEGAL, CULTURAL AND EDUCATIONAL CONSEQUENCES
(In the framework of the fundamental project “Genesis, evolution and prospects of state and law in the territory of Uzbekistan”)

Juraboy Toshkulov

*Head of Department at the Institute of State and Law
 Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
 Doctor of Legal Sciences, Professor
 Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, Arabs, state authorities, Abu Muhammad Abdullah ibn Muslim ibn Qutayba al-Dinavari, culture, enlightenment, ideology, Islamization, priests, officials, legal norms, mosque, madrasa.

Received: 22.02.26

Accepted: 23.02.26

Published: 24.02.26

Abstract: On the example of the Arab invaders, the occupation of Central Asia, the establishment of the colonial system, the Islamization of society, the reaction of the local peoples to the Arab invasion and the colonial policy, the changes that occurred in the system of state power, management and judicial bodies, the legal regulation and practice of social relations, and the changes that occurred in the social, economic, cultural - educational, ideological life of the people were analyzed and appropriate conclusions were drawn.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИГА ИСЛОМНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА УНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ОҚИБАТЛАРИ
(“Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси ва истиқболлари” фундаментал лойиҳаси дорасида)

Жўрабой Тошқулов

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
 Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи
 юридик фанлар доктори, профессор
 Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, араблар, давлат органлари, Абу Мухаммад Абдуллах ибн Муслим ибн Кутайба ад-

Аннотация: Босқинчиларининг Осиёнинг босиб олиниши, бу

Мақолада араб мисолида Ўрта ерда

Динавари, маданият, маърифат, мафкура, исломлаштириш, рухонийлар, мансабдор шахслар, ҳуқуқ нормалари, масжид, мадраса.

мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши, жамиятнинг исломлаштирилиши, араблар босқинини ва мустамлакачилик сиёсатида маҳаллий халқларнинг муносабати, давлат ҳокимият, бошқарув ва суд органлари тизимида, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ва амалиётда, улканинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий, мафкуравий ҳаётида юз берган ўзгаришлар таҳлил қилинган ва тегишли ҳулосалар чиқарилган.

**ПРОНИКНОВЕНИЕ ИСЛАМА НА ТЕРРИТОРИЮ УЗБЕКИСТАНА И ЕГО ПОЛИТИКО-ПРАВОВЫЕ, КУЛЬТУРНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ
(В рамках гранта “Генезис, эволюция и перспективы государства и права на территории Узбекистана”)**

Джурабай Таикулов

Заведующий отделом института Государства и права

Академии наук Республики Узбекистан,

доктор юридических наук, профессор

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Средняя Азия, арабы, государственная власть, Абу Мухаммад Абдулла ибн Муслим ибн Кутайба ад-Динавари, культура, просвещение, идеология, исламизация, священнослужители, чиновники, правовые нормы, мечеть, медресе.

Аннотация: На примере арабских захватчиков, оккупации Средней Азии, установления колониальной системы, исламизации общества, реакции местных народов на арабское вторжение и колониальную политику проанализированы изменения, произошедшие в системе государственной власти, управления и судебных органов, правовом регулировании и практике общественных отношений, а также изменения, произошедшие в социальной, экономической, культурно-образовательной и идеологической жизни народа, и сделаны соответствующие выводы.

Ўзбекистон ҳудудига исломнинг кириб келиши ва тарқалишининг оқибатлари масаласини таҳлил қилишга бағишланган тадқиқотларда масалага ёндашувчиларнинг фикр-мулоҳазалари хилма-хил. Айрим тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон ҳудудига исломнинг кириб келиши ҳудуднинг араблар томонидан босиб олинishi билан

боғлиқлигини, ушбу жараёнда юз берган босқинчилик, талончилик, вайронгарчилик, бегуноҳ одамларнинг қирғин қилиниши, минглаб маҳаллий халқлар вакилларининг қул қилиб олиб кетилиши, минтақа аҳолисининг исломни қабул қилишга мажбурланганлиги кабиларга ноилмий ва ноҳолисона ёндашаётгани кўзга ташланмоқда. Масалага бундай ёндашувчилар Ўрта Осиё, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди араблар томонидан босиб олинган сўзлари ўрнига “фатҳ этилган” сўзини ишлатиш керак, деб таклиф қилишади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига мурожаат қиладиган бўлсак араб тилидаги “фатҳ” сўзининг луғавий маъноси очиш, очилиш, эгаллаш, забт этиш, ғалаба бўлиб, ўзига бўйсундириш, забт этиш, эгаллаш, босиб олиш маъноларида қўлланилади. Бундан шу нарса маълум бўладики, умуман олганда, ўзбекча “босиб олиш” сўзлари ўрнига “фатҳ этиш” сўзини қўллаш масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Бу биринчидан, Иккинчидан араблар томонидан минтақанинг босиб олиншининг салбий оқибатларига кўз юмиш, билиб-билмасликка олиш, тарихий ҳақиқатни инкор этиш, масалага ноҳолис ва ноилмий ёндашишдан бошқа нарса эмас. Масалага бундай ёндашиш улгайиб келаётган ёш авлоднинг онгини нотўғри, сохта, ёлғон, айрим тадқиқотчилар томонидан ўйлаб топилган маълумотлар билан “заҳарлаш” билан яқунланади. Бунга чек қўйиш давр талаби.

Айрим тадқиқотларда тарихий ҳақиқатга зид ҳолда Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан босиб олинганини инкор этишга, исломнинг бу ерга кириб келишини ва тарқалишини рисоладагидек силлиқ кечган дейишга, маҳаллий халқлар исломни ўзлари истаб, хоҳлаб, ихтиёрий равишда қабул қилган, бу масалада ҳеч қандай мажбурлаш бўлмаган, деган фикрни ҳозирги замон ўқувчиси онгига сингдиришга уринишлар кўзга ташланмоқда: “Араблар билан бўлиб ўтган тўқнашувларнинг барчаси Мовароуннаҳрдан ташқарида, яъни Хуросон ўлкасида бўлиб ўтган”. “Араблар Жайхуннинг нариги томонига ўтишга ботина олмаганлар. Чунки, Мовароуннаҳр халқининг ҳарбий тайёргарлиги юқори даражада экани уларга равшан эди. Ва бу улардан кўп вақт ҳамда катта маблағ талаб этган. Бунга уларда етарли куч, вақт ва имконият етишмасди”. “Мовароуннаҳрда Қутайба ибн Муслим ва ундан аввалги араб мусулмон саркардалари давридан бошлаб, ўлка аҳолиси орасида ислом дини ҳам тарқала борди. Чунки, араб саркардаларининг аксарияти саҳобий, тобеъий ва табаъа тобеъийлардан таркиб топган эди”. “Мовароуннаҳрда кўп қаҳрамонликлар кўрсата олган яна бир шахс Қутайба ибн Муслим бўлиб, ислом таълимотларини ёйишда катта ютуқларга эришган. Унинг оқилона ташаббуслари билан ўлка аҳолиси орасида исломнинг ёйилиши тезлашди. Қутайба ибн Муслимнинг Мовароуннаҳрда обрўси анча баланд эди. Хуросон ва Мовароуннаҳр ўлкаларида шундай

тартиб ўрнатдики, Марвдан йўлга чиққан аёллар тахтиравони ҳеч бир кўриқчисиз Самарқандга етиб кела олган. Қутайба ибн Муслим атрофида доим олим ва зоҳидлар тўпланарди...” . “Қутайба ибн Муслимнинг мовароуннаҳрликларга қилган яхшиликлари каторида салбий ишлари ҳам бор эди. Албатта, бу жиҳат кейинчалик адолат тарозуси билан исботини топсада, Қутайба учун бир оз муаммо туғдирган. У ҳам бўлса, Қутайба ибн Муслимнинг Самарқандда содир этган ишлари, яъни маҳаллий аҳолининг хоҳиш истакларига қаршилик қилиб, ўша даврнинг маданий ёдгорликлари ва бут-санамларнинг яксон этилиши, ўртада тузилган сулҳ аҳдномасининг бузилиши эди. Шу боис минтақанинг баъзи ҳудудларида исломнинг ёйилиши бироз суст кечган. Айни мана шу ишлари орқали Қутайба ибн Муслим тарихда “хиёнаткор саркарда” сифатида ҳам муҳрланиб қолган. Аслини олганда, Қутайба ибн Муслимнинг адоват ва зулм мақсадида эмас, балки ўз ижтиҳоди билан амалга оширилган. Балки у кўп қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида бузган бўлиши мумкин. Мана шу нуқтада айрим Ғарб ва мусулмон тадқиқотчилари орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлувчи масалалар ўртага чиқади. Унга кўра, ғарблик тадқиқотчилар араб мусулмонларининг Мовароуннаҳрга юришларини фатҳ сифатида эмас, балки босқинчилик сифатида кўрсатадилар. Яна бошқа тоифа олимлар араблар бу ўлкани фатҳ этганини ва мазкур ҳудудларга маданият, ахлоқ ва янгича ғоявий дунёқараш мезонлари ҳамда янги эътиқодни олиб кирганликларини таъкидлайдилар. Қутайба ибн Муслим муваффақиятлари олдида унинг хатоси деярли кўзга ташланмайди”. “Марказий Осиё, хусусан, Мовароуннаҳрга арабларнинг кириб келиши VII асрнинг 70 йилларига тўғри келди. Ислом кириб келиши ўлка қадриятларини янада бойитиши ва аввалги маънавий қарашлар ислом диинига асло зид бўлмай, балки ислом ахлоқларининг айни ўзи эди. Чунки, мазкур ҳудудда яшаган аҳоли исломни бошқаларга нисбатан осон ва тез қабул қилган” . Ушбу фикрларни масалага ҳолисона ёндашиш деб бўлмайди.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган илм аҳлининг асарларида масалага ҳолисона ёндашилганлиги яққол кўзга ташланади. Жумладан, Табарийнинг ёзишича, Қутайбанинг қўмондонларидан бири – Чиган Хоразмнинг Мадинатул-Фил шаҳрини ишғол қилиб, 4000 кишини асир олган, Қутайбанинг буйруғи билан асирларнинг ҳаммаси ўлдирилган. Қутайба ибн Муслим билан Кеш шаҳри ҳокими ўртасида тузилган сулҳ шартномасига биноан кешликлар ҳар йили бир марта 100 000 дирҳам ва 1000 нафар асир бериши, асирлар кичик ёшдагилар ва кексалардан танланмаслиги, бутхоналарда қанча бут бўлса синдирилиши, олтинлари ажратиб олиниши, қолган бўлаклари ёқиб юборилиши, шаҳарда мусулмонлар учун масжид қурилиши ва Қутайба бир нечта кишиси билан Кеш шаҳри дарвозасидан

кириб, ўша масжидда намоз ўқиши ва хутба ўқиши, чошгоҳ таомини ўша ерда ейиши ва Хитой дарвозасидан чиқиб кетиши керак эди. Кейинчалик, Бухородан Самарқандгача бўлган ҳудуд ҳукмдори Саид ибн Амр ал-Жариший кўшинлари билан Фарғона Малики кўшини ўртасида бўлган жангда фарғоналиклардан 3000 киши ўлдирилган ва араблар катта ўлжани қўлга киритишган.

Араблар томонидан ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди босиб олиниши жараёнида босқинчилар томонидан вайрон қилинган қишлоқ ва шаҳарлар, маҳаллий аҳолидан асир олинганлар, талон-тарож қилинган маҳаллий бойликлар ҳақида 943-944 йилларда ёзилган Абу Бакр Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Убайдуллоҳ ибн Зиёд Байканд ва Ромитинни олиб, кўп кишиларни асир қилди. Тўрт минг бухоролик асирни шахсан ўзига олди. ... Мусулмонлар қурол, кийим-кечак, тилла ва кумушдан ишланган нарсалар ва асирлардан иборат кўп ўлжа қўлга киритдилар. ... Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг фармони билан дарахтларни кесдилар, қишлоқларни вайрон қилдилар; шаҳар ҳам хатарда эди, хотин (Бухоро ҳукмдори – Ж.Т.) омонлик тилади, бир миллион дирҳам баробарига сулҳ тузилди. (Хотин) мол юборди, Убайдуллоҳ ибн Зиёд молни олиб қайтди ва мазкур тўрт минг бухоролик асирларни ҳам ўзи билан олиб кетди”. Убайдуллоҳ ибн Зиёд ўрнига Хуросон амири этиб тайинланган Саъад ибн Усмон “Самарқанддан ўттиз минг кишини асир қилиб, кўп мол қўлга тушириб” Мадинага қайтиб кетган. “Қутайба лашкарига: “Боринглар, Байкандни талон-тарож қилинглар, уларнинг қонларини (тўкишни) ва молларини (олишни) ҳалол қилдим”, деб буйруқ берди”, Қутайба Байкандга келиб “у ерда кимки, урушга яроқли бўлса, ҳаммасини ўлдиради, қолганларини асир қилиб олди, шундай қилиб Байкандда ҳеч ким қолмади ва Байканд хароб бўлди”.

“Бухоро аҳолиси ҳар сафар (ислом лашкари келганида) мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса яна диндан қайтар эдилар. Қутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна диндан қайтиб кофир бўлган эдилар. Бу тўртинчи марта (келганда) Қутайба жанг қилиб Бухоро шахрини олди, кўп қийинчиликлардан кейин (бу ерда) ислом динини юзага чиқарди ва ҳар турли йўллар билан уларга қийинчиликлар туғдириб, дилларига мусулмончиликни ўрнаштирди. Улар эса ислом динини юзакигина қабул этиб, ҳақиқатда бутпарастлик қилар эдилар. Қутайба араблар бухороликлар билан бирга туриб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб юрсалар, улар заруратдан ҳам мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисини ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқаради ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда

шариат ҳукмларини бажаришга уларни мажбур этди. Қутайба масжидлар бино қилди, кофирлик ва оташпарастлик асарларини йўқотди. У кўп жидду жаҳд қилиб, кимдаки шариат ҳукмларини бажаришда камчилик бўлса, уни жазолар эди. У масжиди жоме бино қилди ва одамларга жума намозини ўқишга буйруқ берди, токи Аллоҳ таоло бу яхши иш сабабини Бухоро аҳолиси учун охират захираси қилсин!” “... Қутайба тўртинчи марта келиб Бухорони олганида у (қуйидаги шартларга биноан) сулҳ тузди: бухороликлар ҳар йили икки юз минг дирҳам халифага, ўн минг дирҳам Хуросон амирига, уйлар ва экин ерларининг ярмини мусулмонларга берадиган бўлдилар. Яна шаҳарлардан ташқарида турувчи бухороликлар арабларнинг отлари учун беда, (ўзлари учун) ўтин ва (бошқа) зарур нарсаларни бериб турадиган бўлдилар”.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, араблар маҳаллий дин, санъат, адабиёт намоёндаларини, олимларини ўлдирдилар, асарларини эса оловда ёндирдилар, сўнгра улар аждодларимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган маҳаллий ёзувлар ва тарихий ҳужжатларни йўқ қилдилар. Буларнинг ўрнига араблар аҳолидан олинган мўмай даромадлар, тўловлар эвазига масжид-у мадрасалар, хонақолар, мақбаралар барпо этиб одамларни уларга даъват этдилар. Юртимиз жоловини қўлга олган араб ҳукмдорлари халққа турли хил солиқ солганлар.

Арманий Вамбери ўзининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида араблар томонидан Мовароуннаҳрни босиб олиниши жараёнида босқинчиларнинг содир этган қирғинлари ва вайронгарчиликлари ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Убайдулло ибн Зиёд энг қадимги савдо маркази ва жуда бой пойтахт бўлган Байканд шаҳрига тажовуз қилиб, уни узоқ вақт қамал этгандан сўнг босиб олди. Ниҳоятда катта ўлжага эга бўлиб, 4000 асир билан Бухорога юриш бошлади. ...мусулмонлар бу ердан (Бухородан – Т.Ж.) жуда кўп хазина, қуроллар, кийимлар, олтин-кумуш нарсаларни ўлжа олдилар”. “...Улар (араблар Т.Ж.) чекиниш пайтида, қасос учун йўлда учраган жуда кўп қишлоқларни вайрон қилишган, ҳаттоки дарахтларни кесиб ташлаган эди”. “...Қутайбанинг ғазабига ҳеч бир ҳад ва чегара бўлмади. У шаҳарга (Байкандга – Т.Ж.) қайтиб келиб, ҳамма ёқни бузиш ва ғорат қилишга буюрди. Қилич ушлашга қодир эркакларнинг барчасини ўлдиришга, хотин-қизларнинг барчасини асир олишга буйруқ берди, ҳатто, туркларнинг бир кўзи кўр сардорига ўз хунини тўлаб, омон қолишга ҳам рухсат бермади”. “...исломни тарқатиш йўлидаги айрим зўрлашлар мағрур бухороликлар учун сезиларли бўлди. Арабларга маълум бўлишича, ислом динини қабул этган баъзи бир иккиланувчи одамлар эски маъбудларга ҳамон, яширин жойларда ва ертўлаларда ибодат

киладилар. Шу сабабли, ҳар бир бухоролик ўз ҳовлисининг ярмисини арабларга бериши амр қилинди. У араб уй эгаларига ислом шариатидан таълим берди ва уларнинг ислом одобига риоя қилишларини кузатиб турди. Агарда исён этсалар, араб маъмурларига чақар эди. Янги динга кирувчилар учун мукофот қилиб пул бериладиган бўлди. 94 (712) йилда қурилган масжиди Қутайбага жума куни намозга келган кишилар икки дирҳам мукофот олардилар”.

Кўпчилик ҳозирги давр тадқиқотчилари масалага ҳолисона ва илмий ёндашиб ҳар бир нарсани ўз номи билан аташётгани таҳсинга сазовор. Хусусан, Профессор Ҳамид Зиёевнинг таъкидлашича, “Қутайба ўн йил давомида кўшин билан Туркистон бўйлаб кезиб ўн минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди. У кўп шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирди... Дарҳақиқат, Қутайба қўлини қонга белаб, ўлкада илк бор ислом динини илдиз оттириб ва масжид қуриб зардўш динига зарба берди. Аммо ислом динини туб аҳолининг онгига сингдириш ва ривожлантириш ниҳоятда қийин кечди... Бундан ташқари, арабларнинг ўзи ҳам то Қутайбагача ҳарбий юриш қилганларида ислом динини тарқатиш эмас, балки кўпроқ бойлик ва асирларни қўлга киритишни назарда тутган эдилар. Шунинг учун ҳам улар бу ниятга эришишлари биланок Хуросонга қайтиб кетаверганлар... Халифалик Туркистонни Хуросон вилоятининг таркибига киритиб, у ерга тайинланган ҳоким орқали ўлкани бошқариб турди. Аммо унга гоҳ Туркистонда, гоҳ Хуросоннинг ўзида кўтарилган кўзғалонларга қарши курашишга тўғри келди. Ҳатто, баъзан Хуросоннинг мустақиллигини тиклаган вақтлари ҳам бўлди. Бироқ, халифалик ўз ҳукмронлигини тиклашга муваффақ бўлган эди. Умуман айтганда, оддий халқнинг ҳам, юқори табақа вакиллариининг орасида ҳам халифалик ҳукмронлигига қарши кучлар мавжуд эди. Натижада, қонли тўқнашувлар содир бўлган халифалик Хуросон вилоятининг ҳокими орқали Туркистондан ҳар йили катта ҳажмда маблағ олиб турган. Масалан, Самарқанд – 326 минг дирҳам, Фарғона – 280 минг дирҳам, Тошкент – 607 минг дирҳам, Уструшана – 50 минг дирҳамни солиқ тарзида халифа саройига юбориб турган. Бундай ҳажмдаги тўловлар ўз даври учун салмоқли маблағ ҳисобланган. Халифалик томонидан мустақиллик ва озодликни барбод этилиши, зулм ва адолатсизлик нафақат меҳнаткаш оммани, балки маҳаллий юқори табаканинг илғор вакиллариини ҳам курашга отлантирган эди”.

Олий ўқув юртлари учун Ўзбекистон тарихи фани бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда араблар ўлкада ислом динини ёйиш жараёнида қандай зулм-у зўравонликлар содир этганлари, маҳаллий аҳолининг миллий ва диний ҳис-туйғуларини поймол қилганликлари, камситганликлари ҳақида қуйидаги фикр-мулоҳазалар баён

этилган: “Ўлка аҳолисини исломлаштириш жараёни ғоят мураккаб кечган. Араб маъмурлари кўп ҳолларда зўрлик ва куч ишлатиш йўли билан маҳаллий халқ вакиллариини исломни қабул қилишга ундаганлар. Ислом дини ва унинг рухналарининг маҳаллий халқ орасида ёйилиши ниҳоятда қийин, мураккаб кечган. Бу жараёнда беҳисоб қурбонлар берилган. Араблар ўзларини хўжалар, саҳобалар, саййидлар, оқсуяклар, деб атаб, маҳаллий халққа нисбатан менсимаслик билан қарашлари ҳам маҳаллий аҳолида уларга нисбатан нафрат туйғусини кучайтирган”. Уларда исломни Ўрта Осиёда ёйиш ниқоби остида араб босқинчилари томонидан амалга оширилган хунрезликлар ва вайронагарчиликлар ҳақида келтирилган маълумотларга кўра: “Араблар истилочилар сифатида маҳаллий аҳолига нисбатан мислсиз зулм ва зўравонлик ўтказдилар. Халқ томонидан асрлар давомида яратилган ноёб моддий ва маънавий бойликлар, осору атиқалар таланди, яксон қилинди. Маҳаллий ёзувларда битилган сон-саноксиз нодир китоблар, қўлёзмалар ёндирилди. Зардуштийлик, буддизм динининг кўплаб ибодатхоналари, муқаддас қадамжолари кунпая-кун этилди”. “Ўрта Осиё динлари тарихи” ўқув қўлланмасида қайд этилишича: “Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши ва тарқалиши бевосита араб истилолари ва арабларнинг кўп асрлик ҳукмронлиги билан боғлиқ. Ўрта Осиёга араб юришлари 643-644 йилларда бошланган бўлса ҳам фақат араб қўмондони Қутайба ибн Муслим ал-Боҳидий (704-715) ўлкани узил-кесил босиб олишга узок давом этган курашдан сўнг эришди. Минтақада янги сиёсий кучининг пайдо бўлиши оқибатида Ўрта Осиё икки қисмга бўлинди: 1) Мовароуннаҳр (икки дарё оралиғи) ва 2) Ароди ат- турк (турклар ерлари, яъни арабларга бўйсунмаган ҳукмдорлар ерлари). Мазкур икки ҳудудда исломлашув жараёнлари турли хилда кеча бошлади”.

Бундан ташқари, арабларнинг ватанимиз ҳудудида юргизган зўравонлик ва мустамлакачилик сиёсати, шубҳасиз ерли аҳоли турли ижтимоий қатламларининг кескин норозиликка сабаб бўлди. Бунинг натижасида араблар ҳукмронлиги давомида ўлканинг турли ҳудудларида халқ қўзғолонлари юзага келиб, алангаланиб борди. Дарсликларда 720-722, 725-729 йилларда Самарқандда, Бухорода, Хутталонда, 736-737 йилларда Тохаристонда ва Сўғдда, 747-750 йилларда Абу Муслим бошчилигидаги Хуросон ва Мовароуннаҳрда, 776-784 йилларда Муқанна бошчилигида Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган араблар ҳукмронлигига қарши халқ қўзғолонларининг сабаблари, қўзғолончиларнинг мақсади, қўзғолонларнинг араб ҳукмдорлари томонидан шафқатсизлик билан бостирилиши баён қилинган.

Ўрта Осиёга, хусусан, Ўзбекистон ҳудудига исломнинг кириб келиши ва тарқалишининг натижаси бўлган маҳаллий аҳолини исломлаштириш, минтақанинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ҳукукий ҳаётида ислом динининг ҳукмронлигига эришиш рисоладагидек силлиқ кечмаган. Дастлабки даврларда маҳаллий аҳолини исломлаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар жиддий қаршиликка учрагани бор ҳақиқат. Буни инкор этиш тарихий ҳақиқатга хиёнатдан бошқа нарса эмас. Хусусан, ўлка аҳолисидан ўлпон ундириш тизимининг жорий этилиши мовароуннаҳрликларнинг жиддий норозилигига сабаб бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиёни босиб олиш жараёнида минтақага келиб қолган арабларнинг қатор имтиёзларга эга бўлиши, исломни қабул қилган маҳаллий аҳолининг бундай имтиёзлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкинлиги арабларнинг норозилигини келтириб чиқарган. Қолаверса, араблар томонидан араб бўлмаган мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилиши, уларга арабларнинг паст назар билан қарашлари, арабларнинг маҳаллий халқлар манфаатлари, урф-одатлари ва анъаналари билан ҳисоблашишни ҳоҳламаганликлари, йил сайин мустамлакачи арабларнинг минтақа аҳолисига нисбатан зулмининг кучайиши, сулолалар ўртасидаги ҳокимият учун олиб борилган курашлар мовароуннаҳрликларнинг жиддий норозиликларни келтириб чиқарди. Бу норозиликлар қатор халқ кўзғолонларига туртки бўлди. Бундан ташқари турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасидаги ақидавий ва фикр масалалари борасидаги қарама-қаршилиқлар, исломдаги икки йўналиш суннийлар ва шиалар ҳамда улардаги мазҳаблар ўртасидаги ихтилофлар Ўрта Осиё аҳолисини исломлаштириш жараёнига таъсир этмасдан қолмади. Бундан ташқари мазкур жараёни диний ва дунёвий нуктаи назардан ёндашувчилар ўртасидаги курашни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Ўрта Осиёга, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудига ислом динининг кириб келиши ва тарқалиши ҳамда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, ҳукукий соҳаларни исломлаштириш жараёнида давлат билан дин ўртасидаги муносабатларнинг муҳим масалаларидан бири давлатнинг исломдаги икки асосий йўналиш ва улардаги мазҳабларнинг қайси бирини қўллаб-қувватлаши ёки қайси йўналиш ва мазҳаб таълимотини амалиётга татбиқ этиш тарафдори эканлиги эди. Бу масалада ислом оламида яқдиллик бўлмаган. Хусусан, Араб ҳалифалигидан ажралиб чиқиб мустақилликка эришган Сомонийлар давлатининг асли хуросонлик бўлган ҳукмрон доиралари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида суннийлик йўналишининг ҳанафий мазҳаби таълимотининг кенг тарқалишини ва ҳукукий масалаларни ҳал қилишда ушбу таълимотга асосланишини чеклашда аҳл ал-ҳадис

ва шофеъийлик мазҳаби таълимотидан фойдаланганликлари ҳақида маълумотлар бор. Сомонийларнинг бу уринишлари мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг қаршилигига учраган. Бу ушбу даврда яшаб ижод этган фақиҳларнинг ҳанафий таълимотининг ўлкада қарор топтиришга бағишланган асарлар яратишига жиддий туртки бўлган. Мазкур муаммонинг ижобий ҳал этилишида мовароуннаҳрлик фақиҳлар ҳадисшунослар филологлар ва ислом олими уламолардан Шамс ал-аймма ал-Ҳалвойй, Шамс ал-аймма ас-Сарахсий, Абу Зайд ад-Дабусий, Фаҳр ал-ислом ал- Паздавий, ас-Садр аш-Шаҳид, Абу Ҳафс ан-Насафий, аз-Замахшарий, Аъло ад-дин ас-Самарқандий, ал-Мутарризий, Бурхон ад-дин ал-Бухорий, Фаҳр ад-дин Қодихон, Бурхон ад-дин ал-Марғиноний кабилар томонидан ёзилган асарлар муҳим рол ўйнади. Бу асарлар орқали Ўрта Осиё халқларининг бой маданий анъаналари, урф-одатлари, диний сиёсий тажрибаси, ҳуқуқий қарашларининг ўзига хос хусусиятлари, ахлоқий қоидалари, диний бағрикенглик ва миллий тотувлик борасидаги қўлга киритган ютуқлари ислом маданиятининг мазмунан бойишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. “Бу билан исломнинг тўлақонли, ўз-ўзига етарли, мукаммал минтақавий шаклига асос солинди. Унда умумисломий ва маҳаллий элементлар орасидаги муносабатда ҳамоҳанглик, мутаносибликка эришиб борилди”.

Мовароуннаҳрда исломнинг кириб келиши ва тарқалиши, жамиятни исломлаштириш давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Араблар босқини жараёнида ўлкада амалда бўлган давлатчилик ва ҳуқуқ тизимига барҳам берилди, мустамлакачиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб давлат ҳокимият, бошқарув ва суд органлари ташкил этилди. Мовароуннаҳр Араб халифалигига қўшиб олинди, ўлкани бошқариш халифанинг ноиби зиммасига юклатилди, унинг ҳудудида халифаликнинг ҳарбий гарнизонлари ташкил этилди, минглаб араблар ўлкага қўчирилиб келтирилди, уларга серҳосил ва унумдор ерлар берилди, арабларнинг оилалари маҳаллий аҳоли уйларига жойлаштирилди, уларга турли имтиёзлар берилди, қўчириб келтирилганларнинг мол-мулки, ҳаёти, соғлиғи, манфаатларини муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий чоралари кўрилди.

Амалдаги ҳуқуқ манбалари, соҳалари, институтлари ва нормаларига барҳам берилиб, Ислам ҳуқуқи манбалари, соҳалари, институтлари ва нормалари билан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жорий этилди. Давлат ҳокимият, бошқарув ва суд ҳокимияти органларини ташкил қилиш, уларнинг вазифалари, ваколатлари, функциялари, мулклардан фойдаланиш, уларга эгалик қилиш, уларни тасарруф этиш, сотиш ва сотиб олиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш, биргаликда фаолият олиб бориш, хизмат кўрсатиш, ўзгалар меҳнатидан фойдаланиш, никоҳни қайд қилиш шартлари

ва тартиби, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она ва фарзандлар ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатлар, никоҳ шартномасини бекор қилиш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, фуқаролардан ундириладиган солиқларнинг турлари ва миқдори, уларни ундириш тартиби, жиноят ва жазонинг турлари, жазодан озод қилиш шартлари, фуқаролик ва жиноят ишларини судда кўриш тартиби, суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, далиллар ва улар асосида қозиларнинг қарор ва ҳукм чиқариши, қарор ва ҳукмдан норози томонларнинг юқори инстанция судларига шикоят-ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи, шикоят-аризани кўриб чиқиш тартиби, мусулмонлар ва мусулмон бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мусулмонлар билан мусулмон бўлмаган фуқаролар ўртасидаги алоқалар, уруш ва тинчлик масалалари кабилар билан боғлиқ муносабатлар Ислом ҳуқуқи манбаларида белгиланган нормалар билан тартибга солинадиган бўлди.

Мовароуннаҳрда ислом динини қарор топиши муносабати билан ўлкада ислом уламоларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, ҳуқуқий масалаларнинг ҳал этилишида роли ошишига замин яратди. Лекин дастлабки даврларда бу борада ҳам ишлар рисоладагидек силлиқ кечмади. Хусусан, Сомонийлар келишувчан (конфромист) уламолардан ўз сиёсатларни ўтказишда фойдаланиб, норозиларни эса таъқиб қилдилар. Қорахонийлар (999-1212 йиллар) расмий диний мансабларга маҳаллий уламолар ўрнига чекка ҳудудлардан таклиф қилинган олимларни тайинлай бошладилар. Шунингдек, кадрларни тайёрлаш мақсадида мадрасалар таъсис этдилар. Салжукийлар, қорахитойлар, хоразмшоҳлар юришлари оқибатида марказий ҳокимият қудратига путур етди. Бу эса шаҳарликларнинг, уларнинг етакчилари уламоларнинг мамлакат сиёсатига аралашувини кучайтирди.

Бундай ҳолат илм-у фанда ҳозиргача яхши ўрганилмаган ҳодиса – Бухоро бошқарувига уламолар сулоласи Садрлар 1102-1238 келиши феноменини юзага келтирди.

Мовароуннаҳрда қорахонийлар, салжукийлар, хоразмшоҳлар, мўғуллар ҳукмронлиги ва ундан кейинги даврларда ўлканинг сиёсий ва маданий- маърифий ҳаётида Нақшбандия, Кубровия, Яссавия, Ишқия, Қодирия тариқатлари шайхларининг роли катта бўлган. Уларнинг кўзга кўринган вакиллари Сайф ад-дин Боҳарзий, термизлик саййидлардан Саййид Барака, Хўжа Аҳрор, Махдум-и Аъзам, Мир-и Араб, Лутфуллоҳ Чустий, жўйбор шайхларидан Абу Бакр Саъд ва унинг авлодлари, хусусан, унинг невараси Муҳаммад Ислом кабилар бўлишган. Уларнинг айримлари марказий ва маҳаллий давлат органларида у ёки бу лавозимни эгаллашган, жуда катта ер-сув ва бошқа мол-мулклар эгаси бўлишган.

Шайхлар ўзлари истиқомат қилган ва ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланган минтақа ва ҳудудий бирликлар аҳолиси онгига ислом таълимоти ғояларини сингдиришда, уларни ислом динига садоқат руҳида тарбиялашда, аҳоли орасида исломий билимлар, шу жумладан, ислом ҳукуки нормаларини ёйишда, ўз ҳудуди ҳукмдорларнинг ўзбошимчаликларининг олдини олишда, оддий халқни уларнинг зўравонликларидан ҳимоя қилишда, жойларда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни ҳамда ислом ҳукукий қоидаларига оғишмай риоя қилиш руҳида фуқароларни тарбиялашда муҳим рол ўйнаганлари ҳақида кўплаб маълумотлар бизгача етиб келган.

Ўрта Осиё аҳолисини исломлаштириш жараёнида маҳаллий халқларнинг диний саводхонлигини шакллантириш ва ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Гап шундаки, маҳаллий аҳоли орасида исломий билимларни ёймасдан туриб ислом ҳудудига кириб келгунга қадар бошқа динларга эътиқод қилиб келган халқларни исломлаштиришнинг амалда ҳеч ҳам имкони йўқ эди. Шу муносабат билан араб халифалиги таркибига кирган минтақаларда, шу жумладан Мовароуннаҳрда таълим тизимини ташкил қилишнинг ташкилий, моддий ва молиявий чоралар кўрилди. Масжидларда, хусусий уйларда, шифохоналарда ва заруратга қараб бошқа масканларда диний мактаблар, йирик шаҳарларда мадрасалар ташкил қилишга киришилди. Энг аввало, таълим масканлари учун бинолар қурилди. Уларни тегишли жиҳозлар, дарсликлар, бошқа жиҳозлар (дафтар қалам ва бошқалар), мадрасаларнинг толиби илимларини ётоқхоналар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Давлат ва мамлакатнинг бой-бадавлат кишилари томонидан билим масканларини маблағ билан таъминлаш учун вақф мулклари ажратилди, улардан келган даромадларни тегишлича тақсимлаш тартиби жорий қилинди. Диний мактабларда ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш ўргатилган, дин асослари бўйича илк сабоқлар берилган ва бошқалар. Мадрасалар ўрта ва олий маълумотли диний ходимлар тайёрлаш билан шуғулланадиган ўқув юртлари ҳисобланган. Мадрасаларда Қуръон, ҳадислар, ислом ҳукуки ўргатилган. Шунингдек, айрим мадрасаларда тиббиёт, фалсафа, география каби фанлар ўқитилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Мадрасалар ҳақидаги дастлабки маълумотлар X асрга оид манбаларда учрайди. XI-XII асрларда Мовароуннаҳрнинг деярли барча йирик шаҳарларида мадрасалар фаолият олиб боргани манбаларда қайд этилади. Мадраса таълимини олганлар давлат органлари ва диний ташкилотларда раҳбар лавозимларни эгаллашган. Булар Қозикалон, вилоят қозилари, участка(туман) қозилари, муфтийлар, масжидларнинг имом-хатиблари кабилар эди.

Мамлакат таълим тизимига, диний ташкилотлар (мактаб, мадраса, хонақоҳ, қорихоналар)га, диний уламоларга шайхулислом раҳбарлик қилган. Суд тизимини бошқариш ва назорат қилиш қозикалон ваколатига кирган. Мадрасаларнинг молиявий таъминоти асосан вақф мулкларидан келадиган даромадлар ҳисобидан бўлган. Вақфларни бошқариш, авайлаб асраш, улардан келадиган даромадларни тақсимлаш, мазкур мулкларни ижарага бериш, хўжалик ишларига раҳбарлик қилиш диний амалдор - мутавалли ваколатига кирган. Вақф мулкларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлигини ва улардан келган даромадлар тўғри тақсимланаётганлигини қози назорат қилган. Вақф мулкларидан келадиган даромадлар асосан мударрисларга, мадраса хизматчиларига маош бериш, толиби илмларни стипендия билан таъминлаш ва ўқув жиҳозлари сотиб олиш учун сарфланган. Шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, мадрасалардаги талабалар сони, уларнинг илмий салоҳияти, моддий ва молиявий таъминоти бир хил бўлмаган. Ўқиш жараёнини ташкил қилишда фарқлар бўлган. Дастурлар ҳам турлича бўлган. Айрим мадрасаларнинг молиявий таъминотини давлат ўз зиммасига олган.

Бу даврда Мовароуннаҳрда жамиятни исломлаштириш мақсадидан келиб чиқиб, диний илмларнинг гуркираб ривожланишига йўналтирилган ташкилий, маданий-маърифий, мафкуравий чора-тадбирлар кўрилди.

Натижада, Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг шаклланиши Сомонийлар даврида бошланиб қорахонийлар ҳукмронлиги даврида гуркираб ривожланди. Профессор А. Ш. Жузжонийнинг берган маълумотларига кўра, қорахоний ҳукмдорларнинг сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши натижасида ўлкада кўплаб фақиҳлар фаолият юритди. Жуммладан, бу даврда 300 га яқин фақиҳ фикҳ илмининг ҳам назарий ҳам амалий жиҳатлари билан шуғулланганлиги, шунингдек, 20 дан ортиқ фатволар мажмуаси, 150 дан ортиқ асарлар яратилиб уларнинг 98 фоизи ҳанафий фикҳига оид эканлиги қайд этилган. Қорахоний ҳукмдорлар нафақат фикҳ илмининг ривожланишига шарт-шароит яратиб беришган, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашган, балки ўзларининг амалий фаолиятида фикҳ илми вакилларининг ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашган, ҳуқуқий нормаларга оғишмай риоя қилиш борасида оддий фуқароларга намуна бўлишган. Хусусан, Қорахонийлар давлатига 1074-1102/1103 йилларда ҳукмронлик қилган Иброҳим Маҳмуд Тамғачхон фақиҳларнинг фатвосини олмасдан ҳеч бир жинойатчини жазога тортмаган, бир кишининг мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилмаган. Унинг иззат-ҳурматига сазовор бўлганлар ҳуқуқшунос олимлар бўлишган. Шунингдек, жамиятда тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлашда,

жиноятчиликка қарши курашда, айниқса, фуқароларнинг мол-мулкани ўғирлаганлар, талончилик, босқинчилик билан ўзлаштирганларга шафқатсиз курашда давлат ислом ҳуқуқидан муҳим қурол сифатида фойдаланган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Сомонийлар даврида Самарқанд шаҳрида Работи Ғозиён мадрасаси, қорахонийлар даврида Дор ул-Жузжоний ва Тавғачхон мадрасалари, ҳадис илмидан таълим беришга ихтисослашган Масжидул Минора масжиди, Салжуқийлар даврида Кусимия мадрасаси кабилар қурилиб ишга туширилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Мовароуннаҳрда нафақат эркаклар орасида исломий билимларни ёйиш ва уларнинг диний саводхонлигини ошириш чоралари кўрилган, бундай ташкилий ишлар маҳаллий хотин-қизлар ўртасида ҳам амалга оширилган. Хусусий уйларда хотин-қизлар учун диний мактаблар ташкил қилинган. Уларда эркаклар учун ташкил этилган мактаблардаги каби хотин-қизларга ўқиш, ёзиш, ҳисобларни ўргатиш билан бир қаторда дин асослари бўйича сабоқ берилган. Тадқиқотчи Л. Асророванинг ёзишича: VIII-IX асрларда хотин-қизлар олий мадрасалари ташкил этилиб, таҳсил олиш йўлга қўйилганлиги ижобий ҳолат. Зеро, Термиз туманидаги Қирққиз (IX-XV асрлар) макбараси кўҳна археологик ёдгорликлардан бири бўлиб, ўтмишда унинг аёллар академияси бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу ерда фаолият олиб борган Руҳайдан Даврон бинт Варрок, Ҳурайда бинт Ҳакимлар хотин-қизларга таълим-тарбия бериш билан машғул бўлишган. Арабшунос Г. Хўжамшукурова фаолият олиб бораётган “Қирққиз” ҳайрия маънавият ва маърифат марказида қўлёзмалар фонди мавжуд бўлиб, унда кўплаб қўлёзма асарлар борлиги, шундай асарлардан бири Аҳмад Устурлобий Термизий қаламига мансуб “Илми нужум” асарининг “Қирққиз” бобида “Қирққиз” қалъасида қирқта давлатдан келган қизлар таҳсил олганликлари ва ўз юртларига мухрли ҳужжат билан қайтиб мадрасалар ташкил этишгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрдан нафақат исломий илмлар ривожланишига катта ҳисса қўшган олим-у уламолар балки, табиий фанлар ривожланишига улкан ҳисса қўшган олимлар етишиб чиққанини алоҳида фахр билан қайд этиш лозим. Бу даврда яшаб ижод этган юртдошларимиз математика, геометрия ва тригонометрия фанлари бўйича Муҳаммад Хоразмийнинг (тах. 783-850) “Мухтасар фи ҳисоби-л-жабр ва-л-муқобала” (“Жабр ва муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”), “Хинд ҳисоби ҳақида рисола”, “Тригонометрик масалалар”, “Қуёш соати бўйича рисола”, Абу Наср Форобийнинг (873-950) “Илмлар классификацияси ва таърифи ҳақида сўз”, “Геометрик шаклларнинг нозиклиги ҳақида ҳаётий усуллар ва табиий сирлар”, “Евклиднинг биринчи ва бешинчи китобларининг кириш

қисмидаги ноаниқ жойларга шарҳлар”, кимё фани бўйича шишасозлик, металлургия ва қурилиш жихозларини ишлаб чиқариш технологияларига оид “Химия илмининг фойдаси”, тиббиёт илми соҳасидаги “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, ветеринарияга оид “Хайвон аъзолари ҳақида рисола”, “Алмагет” асарига қўшимчалар, Арастуниг “Осмон”, “Метеорология” асарларига шарҳлар, “Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида сўз”, “Юлдузлар ҳақида тўғри ва нотўғри фикрлар”, Низомиддин Найсабурийнинг (XII-XIV) “Рисолат ул-шамсия фи-л ҳисоб” (“Математикада қуёш рисоласи”), Саъдиддин Тафтазонийнинг (ваф.1389(1392)) “Шарҳи рисолаи Шамсия” (“Шамсия рисоласининг шарҳи”), астрономия ва астрология фанлари бўйича Муҳаммад Хоразмийнинг “Зижи”, Аббос ибн Саййид Жавҳарийнинг (IX) “Зиж”, “Қуёшнинг ер марказидан масофалари ҳақида рисола”, “Евклиднинг “Негизлар” китобини тўлдириш”, Ахмад Фарғонийнинг (798-865) “Самовий ҳаракатлар ҳақида китоб ва илми нужум тўплами”, “Илми нужум асослари ҳақида китоб”, “Астрономия илми”, “Астрология ҳақида мукаммал китоб”, Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг (ваф. 869), “Наврўзнома”, Абу Али ибн Синонинг (980-1037) беш жилдлик “Ал қонун фит тиб (Тиб қонунлари)”, минерология, геодезия, фармакология фанлари бўйича Абу Райхон Берунийнинг (973-1048) “Геодезия”, “Минералогия”, тарих фанига оид “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Хиндистон”, тарих ва этнография илмларига оид Абу Жафар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг (839-923 йй) “Тарихи Табарий”, Абу Бакр Наршахийнинг (891-959) “Бухоро тарихи” каби асарлар шулар жумласидандир.

Юқорида зикр этилган олимларнинг табиий ва ижтимоий фанларнинг турли соҳаларига бағишланган асарлари Мовароуннаҳрда халқ хўжалигининг ҳунармандчилик, архитектура-қурилиш, темирчилик, наққошлик, кулолчилик, заргарлик, қоғоз ишлаб чиқариш, тўқимачилик, кончилик, шишасозлик, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ахлоқ-одоб, ижтимоий муносабатлар каби соҳаларининг ривожланишига илмий замин яратиш учун асос бўлди.

Ўрта асрларда диний, аниқроғи исломий ва дунёвий фанларнинг ривожланишида Мовароуннаҳрда турли даврларда фаолият олиб борган давлатларнинг ўрни ва роли ҳақида сўз борганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар бу давлатлар диний-исломий ва дунёвий фанларнинг ривожланиши учун шарт-шароит, имконият яратиб бермаганда, таълим муассасаларини, олим-у уламоларни моддий, молиявий ва маънавий қўллаб-қувватламасдан, аксинча, уларнинг уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилганда, илм аҳлини таъқиб остига олганда эди юқорида зикр этилган ютуқларга эришиш амри маҳол

бўлар эди. Ўз навбатида, исломий ва дунёвий фанлар соҳасида эришилган ютуқлар давлатнинг иқтисодий, маънавий, маданий, сиёсий, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда, мудофаа ва хавфсизликни таъминлашда, жамиятда тинчлик, осойишталик ва барқарорликка эришишда муҳим рол ўйнади.

Диний ва ҳуқуқий масалаларга бағишланган мовароуннаҳрлик илоҳиётчилар ва фақиҳларнинг асарларида ислом илмларининг таянч ва асос тамойилларини маҳаллий халқларнинг миллий манфаатлари, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи ва руҳияти билан уйғунлаштириш яққол кўзга ташланади. “Ўрта Осиё динлари тарихи” ўқув қўлланмасида қайд этилганидек: “Ислом маданияти алоҳида олинган муайян жамиятларда ривожланди ва бунинг натижасида маълум минтақавий шаклларга эга бўлди. Конкрет ислом фақат минтақавий шакллардан ташкил топди. Минтақавий ислом асосида миллий маданият, мафкура ва манфаатлар ётади. Узоқ асрлар ривожланиш жараёнида Ўрта Осиёда ҳам ислом дини миллий маданият билан чамбарчас боғланиб кетди. Натижада, Ўрта Осиё цивилизацияси доирасида исломнинг тўлақонли, ўзига хос, ҳар тарафлама бой шакли вужудга келди. Унда умумисломий унсурлар билан биргаликда минтақавий миллий хусусиятлар ҳам мавжуддир. Юксак даражада тайёргарлик кўрган маҳаллий уламолар асрлар оша мазкур амалий ва назарий билимлар хазинасини сақлаб келдилар ва уни ўзгарган даврга мослаб турдилар”.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ислом ҳуқуқининг ривожланишида ўлканинг йирик шаҳарларида фаолият олиб борган Марв, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Хоразм, Фарғона, Шош ҳуқуқ мактаблари вакиллари муҳим рол ўйнади. Мазкур мактабларнинг кўзга кўринган вакиллари Ибн Муборак Абу Абдурахмон Марвазий, Абу-исма Нух бин Марям Язид ибн Жауна ал-Марвазий, Абухафс Кабийр Аҳмад ибн Хафс ал-Бухорий, Абу Зайд Убайдулло ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий, Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солих Шамсул аимма ал-ҳалвоний ал-Бухорий, Хисомиддин Садри Шаҳид ибн Абдулазиз, Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр ас-Собуний, Бакр ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо Абул Носр Садрул-ислом ал-Баздавий (Паздавий), Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий, Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, Абуллайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандий, Нажмиддин Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Муҳаммад ибн Муҳаммад Абул-Фазл ал-Бурхон ан-Насафий, Хусайн ибн Хизр ал-Қозий Абу Али ан-Насафий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абусахл Абу Бакр шамсул аимма ас-Сарахсий, Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ал-Марғиноний, Бурхониддин Абул-Хасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний,

Имом Фахрул-ислом (Фахруддин) Абулмафохир Хасан ибн Мансур Ўзжандий ал-Фарғоний Қозихон, Имом Абдулғафур Кардария ибн Луқмон (Нуъмон) ибн Муҳаммад, Шамс ул-аимма Абулважд Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий ал-Баратқиний, Ибнул баззозий ал-фақиҳ Хофузиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шиҳоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Хмад ал-Кардарий кабилардир .

Уларнинг каламига мансуб ўнлаб асарлар ислом ҳуқуқининг умумий ва махсус қисмлари – усул-ул фикҳ ва фуруъул фикҳ – фикҳнинг шаклланиши ва ривожланишида улкан рол ўйнаган. Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг каламига мансуб ислом ҳуқуқига оид асарларнинг энг муҳимлари Садрсуҳ Иккинчи Убайдулло ибн Масъуднинг “Танқийҳ ул-усул”, Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шошийнинг “Усул ул-фикҳ ва Шарҳур-рисола”, Абу Мансур Мотуридийнинг “Маъхазуш шаър” ёки “Маоихизуш шар” ва “Китобул жадал”, Фахрул ислом ал-Баздавийнинг 2 жилдлик “ал-Мабсут”, Шайхул ислом Муҳаммад ибн Хусайн ал-Бухорий ал-Ханафийнинг 15 жилдлик “ал-Мабсут”, Бурхониддин Ал-Марғинонийнинг 4 жилдлик “Ал-ҳидоя шарҳ бидоатул мубтадий”, Фахриддин Абулмафохир Хасан ибн Мансур Ўзжандийнинг “Фатовои Қозихон”, Алоуддин ас-Самарқандийнинг “Тухфат ал-фуқаҳо”, Ифтихоруддин Тохир ибн Абдуррмонд ал-Бухорийнинг “Хулосат ал-фатово”, Абул Мафохир Кардарийнинг 3 жилдлик “Ал-Муфид вал-мазид фи шарҳит-Тажрид”, “Хайратул фуқаҳо” ва “Усулул фикҳ” кабилардир.

Юқорида баён қилинганларга яқун ясаб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ислом динининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши араблар томонидан ушбу ҳудуднинг босиб олиниши, бу ерда ўзига хос мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши, араб оилаларининг юртимизга оммавий тарзда кўчириб келтирилиши, маҳаллий халқларни араблаштиришга ҳаракат қилиниши билан боғлиқ ҳолди юз берган. Араблар ўзларининг манфаатларидан келиб чиқиб ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини исломлаштиришнинг чораларини кўрди, амалдаги сиёсий-ҳуқуқий институтларга барҳам бериб, уларнинг ўрнига давлат ҳокимият, бошқарув ва суд органларини ташкил қилди, уларга кадрлар тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини ташкил этди, маҳаллий аҳолини ислом таълимоти руҳида қайта тарбиялашнинг ташкилий, мафкуравий, маданий-маърифий чоратadbирларини амалга оширди, ижтимоий муносабатларни ислом ҳуқуқи нормалари билан тартибга солишни, ўлкада исломий сиёсий-ҳуқуқий тартибни жорий этди, сиёсий-ҳуқуқий мафкура ғояларини маҳаллий халқлар онгига сингдириш учун зарур бўлган илмий изланишлар ва ташвиқот-тарғиботга кенг имкониятлар яратди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
2. Ёвқочев Ш., Исоқов М. ва бошқалар. Марказий Осиё динлари тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.
3. Абу Бакр Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи (Матн). Т.: “Anorbooks”, 2022. – 160 б.
4. Беруний А.Р. Кадимги халклардан қолган ёдгорликлар. \Танланган асарлар. 1-том. Т.: “Фан”, 1968. – 488 б.
5. Усмонов Қ., Содиқов М., Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртлари барча бакалавр йўналишлари учун (тарих йўналишидан ташқари) дарслик. Тошкент, 2005. – 445 б.
6. Арминий Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: “Info Capital books”, 2024. – 464 б.
7. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларни тарихи: (Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача) Т.: ”Шарқ”, 2001. – 448 б.
8. Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик. Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. – 671 б.
9. Shamsutdinov R., Mo’minov H. O’zbekiston tarixi. Т.: “Ochun” nashriyoti, 2021. – 400 б.
10. O’zbekiston tarixi. Darslik. I kitob. Т.: “Fan”, 2018. – 509 б.
11. Жузжоний А. Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 256 б.
12. Асророва Л. Абу Хафс Кабир Бухорий ва Ханафий фикҳи. Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – 280 б.
13. <https://shomila.islomiy.info/index.php?act=book&sec=7&subs=300>.